

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хўжаев Алхам Абдижаборович

"ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университетининг

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

Ўқув жиҳозларига техник хизмат курсатувчи тойифасиз мутахассис

Аннотация: *Ушбу мақола олий таълим тизимидаги ўқув жараёнларида инновацион технологиялар, интерфаол услублар ҳамда таълим воситаларидан самарали фойдаланиш йўлларига бағишланган бўлиб, ундан кутилаётган натижалар муҳокама қилинган.*

Таянч сўзлар: *Инновация, таълим технологияси, интерфаол услублар, таълим воситалари.*

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурияти бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизimini ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди [3].

«Таълим тўғрисидаги» Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарорларнинг қабул қилиниши [5] натижасида узлуксиз таълим тизими орқали етук кадрлар тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам новатор ва инноватор кадрларни тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларидан, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим ва тарбия жараёнига қўллаш олиши профессор-ўқитувчилар олдидаги асосий вазифалардан биридир. Ўқув жараёнини қизиқарли ташкил этилиши, унда ишлатиладиган интерфаол услуб ва педагогик технологияларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик маҳорати қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ўқитувчининг педагогик маҳорати яъни билимдонлиги, юксак ахлоқийлик кўрсаткичлари, педагогик тажрибаси, ўз устида ишлаш лаёқати, педагогик маданияти, меҳнатни илмий ташкил эта олиш қобилияти дарс жараёнининг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир профессор ўқитувчининг педагогик маҳорати - уни ишга бўлган фидойилиги, билими ва тажрибалари туфайли мукамал натижага эришган педагогик фаолиятининг энг юқори чўққисидир [1, 2].

Ўқитувчи билим бераётган талабаларида, ривож олаётган камчиликларни, ўз вақтида малакали фаолияти оқилона ҳамда тўғри ёндошиши билан йўқотишга ёрдам

бериши учун, у талабаларига аниқ ташхис қўя олиши керак, яъни талабаларини характерини иложи борича тўлароқ билиши шарт ва зарурдир. Бу ҳамда шунга ўхшаш вазифаларни бажариш анъанавий ўқитиш усулига нисбатан анча мураккаб бўлиб, у ўқитувчидан жуда юқори даражадаги малака ва маҳоратни талаб қилади.

Дарс жараёнида компьютер ва ахборот технологиялардан фойдаланиш бу бирдан - бир мақсад эмас, балки ёшлар дунёсини фахмлашнинг -англашнинг яъна бир усулидир, тўлароқ ахборот беришнинг кўшимча усулидир, ўқитувчи таълим беришининг - ёшларнинг билим олишининг ва меҳнат қилишининг илғор усулидир, ёшларнинг индивидуал билим олиши фаоллиги доирасини, дунёқарашини кенгайтиришнинг яъна бир усулидир [5].

Дарс жараёнини ташкил қилишда вақт тақсимотини тўғри ташкил қилиши (1-жадвал) ҳамда таълим воситаларини тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эга. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллари қуйидагилардан иборат: мақсадни белгилаш, ўқув ахборот мазмуни, таълим методлари, етакчи билим манбаи, ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблигини ҳисобга олиш лозим. Дарсларни ўтишда таълим техника воситаларидан самарали фойдаланиш билан бирга, ҳар бир профессор ўқитувчи педагогик маҳоратидан фойдаланган ҳолда дарс жараёнини бошқара билиши лозим, акс ҳолда кутилган натижага эришилмайди [1, 2].

Олимларнинг аниқлашича, инсонлар ўқиганларининг тахминан 10 фоизини, эшитганларининг 20 фоизини, кўрганларининг 30 фоизини, кўрган ва эшитганларининг 50 фоизини, ўзи гапириб берганларининг 70 фоизини ва ўзи амалда бажарганларининг 90 фоизини эслаб қолар экан.

Шунинг учун ҳам таълимнинг самарали натижалар бериши ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатига, ўқув - тарбиявий жараёнда қўлланиладиган замонавий ўқитиш услублари -инновацион технологиялар, интерфаол услублар ҳамда таълим воситаларига бевосита боғлиқ. Профессор ўқитувчининг ўз фанини чуқур билиши ва тегишли бўлган фанлардан етарли даражада хабардор бўлиши, касбига, ишига ва талабаларга бўлган муносабати инсонпарварликка йўналтирилган бўлиши керак. Дарс жараёнида таълим воситалари, таълимнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалари, ўқув-услубий материаллардан унумли фойдаланиш лозим.

Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборат: таълимнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалари, ўқув - услубий материаллари. Таълимнинг техник воситалари - диапроектор, графопроектор, доска-блокнот, доска-стенд, флипчарт, видеофильмлар, ёзув тахтасидан иборат бўлиб, ўқув материални кўргазмали намоёиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам бераш билан бирга талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради. Графиклар, чизмалар, намуналар, гербарийлар ёрдамчи таълим воситалари бўлиб, янги мавзунини ёритишда қўллаш мумкин. Ўқув-услубий материаллари - иш варақаси, эслатма, назорат варағи, матнлар, ўқув материаллари ва ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамловчи

турли машқлар кўринишдаги иборат. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам беради [2].

Таълимнинг самарали натижалар бериши ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатига, ўқув-тарбиявий жараёнда қўлланиладиган замонавий ўқитиш услублари-инновацион технологиялар, интерфаол услубларга боғлиқ.

Инновация инглизча «innovation» сўздан келиб чиққан бўлиб, янгилик киритиш, янгилик маъноларини беради. Инновацион технологиялар (2-жадвал) педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга ошириш негизда интерфаол услублардан фойдаланиш ётади. Интерфаол («Inter»-ўзаро, «act»-ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқат тартибда бўлишини англатади [4]. Ўқитишнинг интерфаол услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, унда талабалар билим олиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар дарс жараёнидаги ўқитувчи томонидан берилаётган билимларни тушуниш ва фикрлаш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар. Бу жараён маҳоратли педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга ошиб, педагог томонидан вақтни тўғри тақсимлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал).

Ўқитишнинг интерфаол услубларига – когнитив, экспериментал, моделлаштириш, фасилитация услублари мансуб бўлиб, маъруза дарсларида когнитив услубдан кенг фойдаланилади. Когнитив (cognito –лотинча бўлиб, «билим», «билиш» маъноларини англатади) услуб талабаларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, жамоа муҳокамасини ташкил этишга асослангандир. Баъзан маъруза дарсларини олиб бораётган маҳоратли педагоглар томонидан моделлаштириш услубидан ҳам самарали фойдаланилади ва кутилган натижага эришилади. Амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боришда экспериментал ҳамда фасилитация услублари кенг қўлланилади.

1-жадвал

Интерфаол услублардан фойдаланилган дарсдаги вақт тақсимоти (80 минутлик дарс учун)

1.	Мотивация	4 минут	5 %
2.	Дарс натижаларини тақдим қилиш	4 минут	5 %
3.	Ўқитувчи ахбороти	8 минут	10 %
4.	Интерфаол машқлар	48 минут	60 %
5.	Яқун ясаш	16 минут	20 %

Ҳозирда узлуксиз олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнларида 80 га яқин инновацион технологиялар ҳамда усулларида фойдаланилмоқда [1, 4]. Шулардан айримларини мисол келтирамиз:

Инновацион таълим технологиялари

1	«ФСМУ» технологияси	0	«Сценарий» технологияси
2	«Зинама-зина» технологияси	1	«Ташвиқот жамоаси технологияси
3	«Чархпалак» технологияси	2	«3x4» технологияси
4	«Бумеранг» технологияси	3	«Танишув» технологияси
5	«Резюме» технологияси	4	«Мини-тест» усули
6	«Муаммо» технологияси	5	«Блиц-сўров» усули
7	«Муносабат» технологияси	6	«Икки қисмли кундалик» усули
8	Интервью» технологияси	7	«Кластер» усули
9	«Лойиҳалаш» технологияси	8	«Ақлий ҳужум» усули

Ноанъанавий дарсларни ўтишда профессор ўқитувчи педагогик маҳоратидан фойдаланган ҳолда дарс жараёнини бошқара билиши лозим акс ҳолда кутилган натижага эришилмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир ўқитувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган машғулот жараёни услубиятини ўзи ўқитаётган фани ва предмети асосида ҳамда талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлашлари, ўзгартиришлари ёки ўзининг муаллифлик технологияларини яратишлари, ундан фойдаланишлари мумкин [1, 2].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арабова Н.З., Исламов А., Абдурасулов Ш. Ўқув-тарбиявий жараёнларда инновацион технологияларни қўллашга тайёрмисиз? Ўзбекистон аграр секторини такомиллаштиришда мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш истиқболлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2015. - Б. 154-156.

2. Арабова Н.З., Мардонов Ф.М. Келажак авлод кадрларини тайёрлашда таълим технологияларининг элементи-таълим воситалари ва уларнинг аҳамияти // Мамлакат тараққиёти - ёшлар нигоҳида —2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишланган иқтидорли талаба-ёшларнинг I илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.-Тошкент, 2017. - Б.54-55.

3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.:Истеъдод, 2010. -142 б.

4. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.:Истеъдод, 2008. -180 б.

5. Сапаев Б., Тоджиев Ж.Н., Раззоқова С.Р., Ҳамдамов Ш.И., Бардиев Р.С.// Инновацион фан-таълим тизимини ривожлантиришнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ва аҳамияти илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 30 май 2014 йил, Тошкент. -Б.5-7.

6. <https://www.lex.uz>